

**ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР - ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯЛАРНИНГ
ТАШКИЛИЙ ДИДАКТИК ТИЗИМИ СИФАТИДА**

**ЭЛЕКТРОННЫЕ УЧЕБНИКИ - КАК ОРГАНИЗАЦИОННО-ДИДАКТИЧЕСКАЯ
СИСТЕМА ВИРТУАЛЬНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ**

**ELECTRONIC TEXTBOOKS - AS AN ORGANIZATIONAL AND DIDACTIC
SYSTEM OF VIRTUAL LABORATORIES**

Абдунабиева Шахло Йулдошбоевна

Чирчиқ Давлат Педагогика университети

Табиий Фанлар факультети 2- босқич магистранти

Рахимов Атаназар Каримович

Чирчиқ Давлат Педагогика, университети факультет декани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, педагог ва мутахассисларнинг умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўрганиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган[1].

Жаҳон миқёсида назар соладиган бўлсак компьютер графикиси ва дизайн жуда ҳам кенг даражада ривожланган. Уларни амалда анчадан буён қўллаб келишмоқда. Лекин бу яратилаётган барча дастурлар, роликлар, дизайнларнинг асосий қисми кинофильмлар, мультфильмлар, веб-сайтлар учун яратилмоқда. Махсус сайтларда фанларга мавзулаштирилган мультимедиали дарсларнинг камлиги, борларини ҳам аниқ бир фанни мавзуларини тўла ёритиб бера олмаслиги таълим соҳасига янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини эътироф этади. Лекин электрон дарслар ичига киритилган матнли ёзувлар, расмлардан ҳозирда графиканинг энг замонавий йўналиши бўлган роликларнинг яратилиши сайтларга ва шунга тегишли бўлган нарсаларга қизиқишни оширади. Тўғри бу соҳада кўп ишлар амалга оширилган. Дарсларнинг мультимедиа имкониятларидан фойдалантиб ўтилиши ўқитувчиларга бир қанча қулийликлар туғдиради [3].

Давлат таълим стандартининг умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари учун умумтаълим фанларидан ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий талабларда қуйидагилар ўз аксини топган: «Дарсларнинг мультимедиали иловалари – ахборот-коммуникация

технологиялари ёрдамида ўкув фанига оид материалларни давлат таълим стандарти ва ўкув дастурига мос равишда ёрита оладиган, ўкув фанини самарали ўзлаштиришга, ўкувчиларнинг мустақил таълим олишига кўмаклашувчи ҳамда видео, овоз, анимация, жадвал, матн ва луғатларни ўз ичига олган, билимларни назоратдан ўтказиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган, ўкув фанининг асосий мазмунини бойитадиган қўшимча материалга эга бўлган ёки шу каби манбаларга мурожаатларни ўз ичига олган интерактив электрон ахборот-таълим ресурси ҳисобланади ва ҳар бир умумтаълим ўкув предмети мазкур талаб асосидаги электрон таълим ресурсига эга бўлиши лозим»лиги таъкидланади [2].

Ҳар қайси ўкувчи компьютердан мустақил фойдалана олар экан, унинг имкониятлар дунёсини кашф этиб боради. Эндиликда, таълим жараённида тавсия этиладиган ўргатувчи дастурлар, намойиш усуллари, ҳисоблаш ишлари – буларнинг барчаси компьютер, мобиль воситалар асосида амалга оширилади. Биология фанини ўқитишида айниқса ҳайвонот олами инқизозга юз тутуётган вақтда зоология дарсларини ўқитишида, электрон воситалар ва улардан фойдаланиш таълим жараёни учун, тирик табиат биохилма-хиллиги учун жуда фойдали. Хозирги кунда турли туман виртуал лабораториянинг шаклларидан кенг фойдаланилмоқда.

Виртуал лаборатория сифатида виртуал стенд нашр – бу график, матн, рақамли, мусиқали, видео, фото ва бошқа ахборотларни ва яна фойдаланувчилар учун босма хужжатлар йиғиндиси. Виртуал лаборатория ва виртуал стенларнашрдан виртуал лаборатория ва виртуал стенларташувчилар - магнитли (магнит тасма, магнит диск), оптик (CD-ROM, DVD, CD-R) ва яна компьютер тармоқларидан фойданиш мумкин. Виртуал лаборатория ва виртуал стенд ўкув нашр - илмий малакавий билимлар майдонида тизимлаштирилган материалларда ташкил топган бўлиб, бу майдонда ўкувчи, студентларнинг билимларини фаол равишида ўстириб бориш таъминланади. Виртуал лаборатория ва виртуал стенлар ўкув қўлланма юқори даражада фойдаланиш ва бадиий кўргазмага мўлжалланган бўлиб, тўлиқ ахборот, методик кўрсатмалар сифати, техник фойдаланиш сифати, аниқлик, мантиқийликка эга. Қуйида зоология фанидан электрон дасрлик тузилмаси ва унинг ишлаш механизмлари келтирилди.



Виртуал лаборатория ва виртуал стенд ўқув қўлланма - асосий виртуал лаборатория ва виртуал стенд ўқув қўлланма юқори методик ва илмий даражада яратилади ва бунда илмий техника ривожи ва юқори сифат мавжуд. Унинг турлари ва функциялари Я.Каменский VII асрдаёқ кўргазмалиликни шундай таърифлайди: хар бир нарсани ҳиссиётлар билан англаш, ўрганилаётган обьетни ҳис-туйғулар орқали англаш, макет ва моделларни ўқувчилар орқали кузатиш, ўқитиш кўргазмалилигини аввал аниқ обьектни англаш деб тушунилган, масалан: реал предмет ва ҳодисалар ўз бошланғич кўринишида машиналар моделлари, кўргазмали (тарқатма материал, жадваллар, ва айрим чизмали дастурлар, ўқув кинофильмлар. Замонавий дидактика шуни таъкидлайди, кўргазмалилик тушунчаси бу нафақат конкрет визуал предметларга таяниш дейди.

Ўрганиш воситари кўргазмали бўлиши учун ҳодиса моделга айлантирилиши керак, унинг асосий хоссаларини кўрсатиш (яъни модель ўрганилаётган ҳодисага изоморф бўлиши керак), моделнинг тушунарлилигини таъминлайди. Изоморфлик ва оддийлик бу кўргазмалиликнинг фарқли томонлари, ўқув моделларининг теория тушунчалари шаклланишидаги ўрни Давыдо орқали илмий фикрлаш асоси деб топилди. Ўқув моделларини у кўргазмалилик ва тушунча уйғунлиги деб таърифлайди.

Биз томонимиздан зоология дарсларида фойдаланиш имконини берадиган электрон дасрликлар виртуал таълимнинг асосини ташкил этиб, ўқув-билим бериш функцияси, назорат ва мустахкамлаш вазифаларини, билимларни малака ва қўникма даражасида шаклланиш имконини беради.

Rasmdagi hayvonlar nomi va uning sinflarini yozing



To'g'ri javob

Биологияни ўқитища электрон таълими ресурслардан фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини таъминлаш билан бир қаторда тарбиявий вазифаларнинг унумли ечими топилишини ҳам таъминлайди. Биологияни ўқитища электрон таълими ресурслардан фойдаланиш қуйидаги дидактик қулайликларни таъминлайди:

- 1) мураккаб ўзлаштириладиган билимни баён этиш, яъни организмнинг ташки ва ички муҳитида содир бўлаётган жараёнлар билан танишиш, уларни бевосита кузатиш имконияти бўлмаган ҳолатларни монитор орқали ўрганиш ва таҳлил қилишда қўлланилади;
- 2) ҳайвон организмида органларнинг жойлашиши ва уларнинг вазифасини ўрганиш ўзига хос усулда ташкил этилади;
- 3) ҳайвонларнинг яшаш тарзи, табиатда тарқалиши, кўпайиши ва ривожланиши ва уларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги мавзуларга қўшимча CD ва DVD шаклдаги илмийоммабоп фильмлар қисқа ҳажмли материалларининг намойиш этилиши ўқувчини бевосита табиат билан узвий алоқада эканлигини, уни ардоқлаши зарурлиги ҳақидаги тарбиявий тушунчаларни шакллантиради;
- 4) ўқувчининг мустақил билим олишини ривожлантиради.

Ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш қўламини оширишга хизмат қилувчи кинестетик, визуал, аудиал, дискрет сезгилари орқали ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, таянч ҳамда хусусий компетенцияларни шакллантиришда биологиядан таълим мазмунига боғлиқ ҳолда таълимий электрон ресурслардан, қўргазмали материаллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади

Давр ёш авлод тарбиясида мазкур жихатларнинг барчасини эътиборга олишни такозо этмокда. Шундай экан, мамлакатимиздаги таълим тизими кейинги йилларда хам доимо замон талабларига мос равищда тараккий этиб боравериши зарурй ҳолатдир. Зеро, биз таълим тизимини ривожлантирап эканмиз келажақдаги жамиятимизни энг олий кадриятлар ва халкимиз истаклари йулида тараккий этишини таъминлаймиз. Колаверса, дунё тараккиёти хам бир жойда тўхтаб колмайди. Шунинг учун таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, уқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу эса уз урнида замонавий педагог-кадрларни тайёрлаш жараённига ва уларнинг малакасига булган талабларни кучайтиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Қарахонова Лобархон Мусахоновна УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ // SAI. 2022. №В3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/uzluksiz-talim-tizimida-biologiya-fanidan-samaradorlikka-erishishda-elektron-talimiyy-vositalardan-foydalanishning-ilmiy-amaliy> (дата обращения: 01.10.2022).
3. <https://tmetod.uz/wp-content/uploads/Virtual-talim-texnologiyasi.pdf>